

**Ўзбекистон Республикаси халқаро экспедицияда иштирок этувчи аъзоларини  
экскурсия қилдириш тўғрисида**

**ШАРТНОМА № 001**

**Тошкент шаҳри.**

**“09” июнь 2022 йил.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази номидан директор **Ф. Максудов**, «Устав» асосида фаолият олиб борувчи, бир томондан кейинги ўринларда «ИЖРОЧИ» деб юритилади, ҳамда “TOUR ASIA CENTRALE” МЧЖ номидан директор Хурамов Б. «Устав» асосида фаолият олиб борувчи, иккинчи томондан «БУЮРТМАЧИ» деб ҳамда биргаликда «ТОМОНЛАР» деб юритилади, қуйидагилар ҳақида шартномани туздилар.

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА АСОСЛАРИ**

1.1. «БУЮРТМАЧИ» буюртма беради «ИЖРОЧИ» ўз ўрнида келишилган суммани тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «ИЖРОЧИ» қуйидаги ишларни келишувга мувофиқ халқаро экспедицияда иштирок этувчи аъзоларини Ўзбекистон бўйлаб 45 кун ичида шартноманинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган дастур (1-илова) бўйича амалга ошири керак бўлади.

**2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

2.1. Бажарилган ишларининг умумий миқдори **290 000 000,00** (Икки юз тўқсон миллион) сўмни ҚҚСсиз ташкил этади.

2.2. Хўжалик шартномасини «ТОМОНЛАР» имзолаган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида «БУЮРТМАЧИ» мазкур шартноманинг 2.1. бандида белгиланган сумманинг олдиндан 30% миқдоридан авансни «ИЖРОЧИ» ҳисоб рақамига тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.3. «БУЮРТМАЧИ» белгиланган сумманинг қолган 70% тўлов миқдорини иш якунланган ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоб-фактуралар расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни мобайнида «ИЖРОЧИ» ҳисоб рақамига тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**3. БАЖАРИЛГАН ИШНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. «ИЖРОЧИ» ишни тўлиқ бажарилгани ҳақида «БУЮРТМАЧИ»ни хабардор қилганидан кейин икки томонлама топшириш ва қабул қилиш далолатномаси икки нусхада, «ТОМОНЛАР» учун бир нусхадан тузилади. Ишни босқичлар бўйича ва тўлиқ қабул қилиш томонлар тасдиқланган дастур асосида амалга оширилади.

3.5. «ТОМОНЛАР» муайян бир иш турини бошқа иш тури билан алмаштиришни лозим деб топса, бу алмаштириш мазкур тадқиқот доирасида «ТОМОНЛАР»нинг ёзма келишуви асосида амалга оширилади.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Шартнома бандлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажаришда қонунбузарликка йўл қўйган томон Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасида мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## 5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. «БУЮРТМАЧИ» маблағи ҳисобига олинган иш қуроллари, жиҳозлар ва мулклар иш тугагандан сўнг «БУЮРТМАЧИ»га қайтарилади. Шартнома суммаси сўмнинг индексацияси даврида кўрсатилган фоиз миқдорига томонларнинг келишувига кўра мазкур шартномага кўшимча киритишга рухсат этилмайди.

5.2. Ишнинг алоҳида босқичлари муддати бажариладиган ишлар дастурида қайд этилади. «ИЖРОЧИ» томонидан иш белгиланган муддатдан аввал бажарилган ҳолатда, томонлар ишни қабул қилиш ва ҳақ тўлашни кўшимча келишув асосида аниқлайдилар.

5.3. Мазкур шартноманинг умумий суммасини турли сабабларга кўра юзага келадиган ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида 10% миқдоргача томонларни ёзма муурожаатларига кўра ўзаро тасдиқланган кўшимча келишув асосида ўзгартиришга рухсат этилади

## 6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ




6.1. Агарда шартноманинг бажарилмаслиги қуйидаги ҳолатларнинг натижаси бўлса томонларнинг бирортаси ҳам ўзига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмасли ҳолатларидаги жавобгарликни ўз зиммасига олмайди: сув босиш, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар ва шунингдек уруш, ҳарбий ҳаракатлар, қамал, ёки давлат органларининг ҳаракати, шартнома тузилгандан кейин томонларнинг назоратидан ташқарида бўлган бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш муддати бундай ҳолатларнинг ҳаракатланиш даврига мос равишда бошқа муддатларга кўчирилади.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

7.1. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йилнинг “31” декабригача амал қилади.

7.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга ва икки нусхада тузилди ҳамда имзолангандан кейин «ТОМОНЛАР»да сақланиши учун бир нусхадан тақдим қилинади.

7.3. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақами:

«ИЖРОЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
<p>ЎЗР ФА “Миллий археология маркази” Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани 81 уй.</p> <p>л/с: № 500010860262697015100043001 ИНН: 306816173 ОКОНХ:95120 ОКЭД:74900 Тошкент ш. М.Улуғбек тумани Газначилик бўлими. Газна Х/р 23402000300100001010 Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бош бошқармаси. МФО: 00014 ИНН 201122919</p> <p>Директор  Максудов, Ф. Бош юрисконсулт:  М. Масаидова</p>	<p>“TOUR ASIA CENTRALE” МЧЖ Манзил: Самарқанд ш., Ибн Сино 7 уй 11 хонадон Тел.: +99890 603-24-24 Ўзмиллийбанк Самарқанд филиали бўлими Х/р: 20208000605172285001 МФО: 00278 ИНН: 307090991</p> <p>Рахбар:  Quramov Б.</p>



БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ДАСТУРИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддати	Экскурсия катнашувчилар сони
1.	Уч юлдузли меҳмонхоналарда вақтинчалик турар жой билан таъминлаш;	45 кун	30 киши
2.	Ички ишлар бўлими орқали вайтинчалик (45 кунлик) рўйхатга олиш;	2 кун	30 киши
3.	Керакли транспорт воситалари билан таъминлаш;	45 кун	30 киши
4.	Махсус рухсат олинган археологик ёдгорликларда қазиш ишларини амалга ошириш ва ер қазувчи ходимни ишлатиш;	45 кун	30 киши
5.	Таржимонлик ва логистик хизматларини кўрсатиш;	45 кун	1 киши
6.	Уч маҳал европа таомлари мавжуд бўлган умумий овқатланиш жойларида озиқ-овқат билан таъминлаш;	45 кун	30 киши
7.	Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд, Бухоро, Хива, Хайдаркўл, Нурота, Шахрисабз, Теимиз, Фарғона ҳамда Тожикистон Республикасининг Панжикент туристик масканларига қисқа муддатли экскурсияларига олиб бориш	45 кун	30 киши

«ИЖРОЧИ»

ЎзР ФА “Миллий археология маркази”

Директор:

Ф.А. Максудов



«БУЮРТМАЧИ»

Директор:

Хурамов Б.

